

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

, 8 “ декабрь 2017 й. г.

№ 973

Тошкент ш. – г. Тошкент

**Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрининг
туманлар ва шаҳарларини комплекс ижтимоий-иктисодий
ривожлантириш бўйича худуд раҳбарлари фаолиятини
баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Худудларнинг жадал ижтимоий-иктисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрининг туманлар ва шаҳарларини комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича худуд раҳбарлари фаолиятини уларга юклangan вазифаларнинг самарали бажарилиши юзасидан доимий мониторинг олиб боришни, худудларнинг ривожланиш ахволидаги реал ўзгаришлардан ва бошқа ҳаққоний мезонлардан келиб чиқиб, уларнинг фаолиятини холисона баҳолашни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан Адлия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати билан биргаликда ишлаб чиқилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрининг туманлар ва шаҳарларини комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича худуд раҳбарлари фаолиятини баҳолаш тизими тўғрисидаги Низом (кейинги ўринларда Низом деб аталади) иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2018 йил 1 январдан бошлаб амалга кирилигин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрининг туманлар ва шаҳарларини комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича худуд раҳбарлари фаолиятини баҳолаш учун зарур бўладиган маълумотлар Низомда белгиланган вазирлик, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари томонидан ҳар чорак якунида ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-санасигача ҳар бир шаҳар ва туманлар кесимида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига тақдим этилади.

Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонасига келиб тушаётган мурожаатлар

бўйича кўрсаткичлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг Фуқаролар хукуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати томонидан Вазирлар Маҳкамасининг Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаментига тақдим этиладиган маълумотлар асосида тайёрланиб, умумлаштириш учун Иктиносидёт вазирлигига тақдим этилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Иктиносидёт вазирлиги мазкур Низомнинг амалда кўлланилиши бўйича, уни такомиллаштириш нуқтаи назаридан 2018 йил 1 майгача мазкур Низомга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги 2018 йил 1 июнгача Иктиносидёт вазирлигининг таклифларини эътиборга олган ҳолда мазкур Низом асосида раҳбарлар фаолиятини баҳолаш бўйича дастурий таъминот ишлаб чиқилишини таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Раматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил “8” декабрдаги 973сон қарорига
илова

**Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрининг туманлар
ва шаҳарларини комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича
худуд раҳбарлари фаолиятини баҳолаш тизими тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Худудларнинг жадал ижтимоий-иктисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сон қарорига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрининг туманлар ва шаҳарларини комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича ҳудуд раҳбарлари зиммасига юкландиган вазифаларнинг самарали бажарилиши юзасидан доимий мониторинг олиб боришни, худудларнинг ривожланиш аҳволидаги реал ўзгаришлардан ва бошқа ҳаққоний мезонлардан келиб чиқиб, уларнинг фаолиятини холисона баҳолаш мезонларини белгилайди.

2. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрининг туманлар ва шаҳарларини комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича ҳудуд раҳбарлари фаолиятини баҳолаш тизими (кейинги ўринларда Тизим деб аталади) 1-иловага ва уни амалга ошириш схемаси 2-иловага мувофиқ ташкил этилади.

2-боб. Баҳолаш тизими кўрсаткичларини ҳисоблаш

3. Тизимда раҳбарлар фаолиятини баҳолаш мезонлари икки қисмдан иборат бўлиб, расмий статистик ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонасига келиб тушаётган мурожаатлар бўйича маълумотларни ўз ичига олади.

Расмий статистик маълумотлар ижтимоий соҳа, иктиносидиёт, қишлоқ хўжалиги соҳаси, коммунал хўжалигини ташкил қилиш ва уй-жой масалалари, хуқуктарни тартибот соҳасидаги кўрсаткичларни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Худудларнинг жадал ижтимоий-иктисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сон қарорига мувофиқ шаҳар ва туманларни комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича ташкил этилган секторлар раҳбарлари томонидан уйма-уй юриш, халқ билан мулоқот, аҳоли томонидан кўтарилиган муаммоларни ечиш бўйича кўрилаётган чораларнинг самарадорлиги кўрсаткичларини ўз ичига олади.

4. Тизимдаги мезон-индикатор (кўрсаткич)ларни баҳолаш бўйича максимал кўрсаткич 100 баллни ташкил этади.

Бунда расмий статистик маълумотлар бўйича максимал 80 балл, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонасига келиб тушаётган мурожаатлар бўйича максимал 20 балл билан баҳоланади.

Ҳар бир мезон-индикатор (кўрсаткич) мазкур Низомга 1-илованинг “Индикатор (кўрсаткич)ни ҳисоблаш методикаси” устунида келтирилган методика бўйича ҳисобланади ва “Индикаторни баҳолаш методикаси” устунида келтирилган методика бўйича баҳоланади.

5. Расмий статистик маълумотлар 43 та мезон-индикатордан иборат бўлиб, 3 та мезон-индикатор туман ва шаҳарлар бўйича ҳисобланмайди ва тегишинча 40 та мезон-индикатор бўйича ҳар бир шаҳар ва туман раҳбарлари максимал 80 балл билан баҳоланади.

Бунда ҳар бир мезон-индикатор (кўрсаткич) тегишли кўрсаткичларнинг микдорига мувофиқ ҳолда 0 дан 2,0 баллгacha баҳоланади.

Шахсий томорқаларда чорва молларини етиштириш даражаси, тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатувчи корхоналар билан қишлоқ хўжалиги корхоналари ўртасидаги дебитор-кредитор қарздорликларнинг қисқартирилиши даражаси ва мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт режасининг бажарилиши даражаси кўрсаткичлари шаҳарлар бўйича ҳисобланмайди.

Кўп квартирали уйларнинг қишки мавсумга тайёргарлиги, уй хўжаликларини канализация тизими билан қамраб олиш ҳамда иссиқлик энергияси тўловларини йигиб олиш кўрсаткичлари туманлар (Тошкент шаҳридан ташқари) бўйича ҳисобланмайди.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонасига келиб тушаётган мурожаатлар юзасидан худудлар раҳбарлари ҳар бири максимал 10 баллдан баҳоланадиган 2 та кўрсаткич – ҳар ўн минг нафар вояга етган аҳоли сонига нисбатан мурожаатлар сони ҳамда келиб тушган мурожаатларнинг ижобий ҳал қилиниши кўрсаткичи бўйича баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонасига келиб тушаётган ҳар ўн минг нафар вояга етган аҳоли сонига нисбатан мурожаатлар сони кўрсаткичи бўйича республикада энг паст кўрсаткичга эга бўлган шаҳар ёки туманга энг юқори – 10 балл берилади. Қолган шаҳар ва туманлар республика бўйича энг паст кўрсаткичга нисбатан мутаносиб равишда ҳисобланади.

7. Расмий статистик маълумотлар мазкур Низомга 1-илованинг “Масъул вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар” устунида кўрсатилган вазирлик, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан ҳар чорак якунида ҳисббот чорагидан кейинги ойнинг 10-санасигача ҳар бир шаҳар ва туманлар кесимида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига тақдим этилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонасига келиб тушаётган мурожаатлар бўйича кўрсаткичлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг Фуқаролар хуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати томонидан Вазирлар Маҳкамасининг Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари ахборот-тахлил департаментига тақдим этиладиган маълумотлар асосида тайёрланиб, умумлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига тақдим этилади.

3-боб. Баҳолаш натижаларини тақдим этиш ва ундан фойдаланиш

9. Ҳисобот даври сифатида ҳар чорак олинади ва чорак якуни бўйича ягона кўрсаткичнинг ўзгариш динамикаси орқали тегишли ҳудуддаги раҳбарнинг фаолиятига асосланган баҳо берилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шахри ҳокимларни билан биргаликда шаҳарлар ва туманлар раҳбарларининг фаолиятига баҳо бериш натижаларининг ҳар чоракда умумлаштирилишини ва мониторингини таъминлайди.

11. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Баҳолаш натижаларини ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 15-санасигача Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини химоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизматига ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади.

12. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрининг туманлар ва шаҳарларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ҳудуд раҳбарлари фаолиятини баҳолаш тизими мезонлари асосида тегишли ҳудуддаги муаммолар аниқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ташкил этилган 4 та сектор раҳбарлари томонидан “йўл хариталари” асосида чора-тадбирлар амалга ошириб борилиши таъминланади.

13. Баҳолаш натижалари асосида туман (шаҳар)да қайси соҳага эътибор қаратилиши лозимлиги белгилаб олиниб, тегишли чора-тадбирлар кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 20-санасигача вазирлик, идора ва бошқа органларга тақдим этилади.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини химоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизматига Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Ҳисоб палатаси билан биргаликда ҳар чоракда алоҳида ўрнак кўрсатган секторлар раҳбарлари, давлат органларининг мансабдор шахслари ва ходимларини рағбатлантириш ёки йўл қўйилган жиддий камчиликлар учун уларни лавозимидан озод этишгача бўлган жавобгарликка тортиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар киритишда Тизим бўйича баҳолаш натижаларидан фойдаланиш мумкин.

4-боб. Якунловчи қоидалар

15. Мазкур Низом талабларига риоя қилиниши юзасидан мониторинг Вазирлар Маҳкамасининг Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти томонидан амалга оширилади.

16. Ушбу Низомнинг қўлланилиши билан боғлиқ низолар қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

17. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Қарақалпогистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрининг туманлар ва шаҳарларини комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича ҳудуд раҳбарлари фаолиятини баҳолаш тизими тўғрисида
Низомга 1-илова

**Қарақалпогистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрининг туманлар ва шаҳарларини комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича ҳудуд раҳбарлари фаолиятини баҳолаш
ТИЗИМИ**

| Т.р. | Индикатор (кўрсаткич)нинг номи | Ўлчов бирлиги | Индикатор (кўрсаткич)ни ҳисоблаш методикаси | Индикаторни баҳолаш методикаси | Масъул вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар |
|---|--|---------------|---|--|---|
| I қисм. Расмий статистик маълумотлар | | | | | |
| 1. Ижтимоий соҳа индикаторлари | | | | | |
| 1.1. | 3-7 ёшдаги болаларнинг мактабгача таълим муассасалари билан қамраб олиниши | % | Мактабгача таълим муассасаларида тарбияланадиган болаларнинг 3-7 ёшдаги болалар умумий сонидаги улуши | 100 фоиз кўрсаткич энг юкори 2 балл билан баҳоланади ва қолганлари фоиз кўрсаткичи бўйича энг юкори баллга нисбатан мос равишда баҳоланади | Мактабгача таълим вазирлиги |
| 1.2. | Охирги чорак давомида умумтаълим мактабларида давоматнинг ўртача кўрсаткичи | % | Дарсларда иштирок этаётган ўқувчиларнинг жами ўқувчилар сонидаги улуши | 100 фоиз кўрсаткич энг юкори 2 балл билан баҳоланади ва қолганлари фоиз кўрсаткичи бўйича энг юкори баллга нисбатан мос равишда баҳоланади | Халқ таълими вазирлиги |
| 1.3. | Охирги чорак давомида касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда давоматнинг ўртача кўрсаткичи | % | Дарсларда иштирок этаётган касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчиларининг уларнинг умумий сонидаги улуши | 100 фоиз кўрсаткич энг юкори 2 балл билан баҳоланади ва қолганлари фоиз кўрсаткичи бўйича энг юкори баллга нисбатан мос равишда баҳоланади | Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази |
| 1.4. | Касб-хунар коллежлари битирувчиларининг ишга жойлаштирилганлиги | % | Муайян ўқув йили битирувчиларининг ишга жойлаштирилганлари сонининг жами меҳнатга лаёқатли ва ишга | 100 фоиз кўрсаткич энг юкори 2 балл билан баҳоланади ва қолганлари фоиз кўрсаткичи бўйича энг юкори баллга нисбатан мос равишда баҳоланади | Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўрта маҳсус, |

| T.р. | Индикатор (кўрсаткич)нинг номи | Ўлчов бирлиги | Индикатор (кўрсаткич)ни хисоблаш методикаси | Индикаторни баҳолаш методикаси | Масъул вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар |
|------|--|---------------|--|--|---|
| | | | жойлаштиришга муҳтож битирувчилар сонидаги улуши | | касб-хунар таълими маркази |
| 1.5. | Охирги чорак давомида патронажлар томонидан ёлғиз, кекса, ногирон, сурункали касалликларга чалинган беморлар ахволининг ўрганилганлиги | % | Бирламчи тиббий-санитария муассасаларида қайд этилган ёлғиз, кекса, ногирон, сурункали касалликларга чалинган беморлар сонини жами патронаж хизмати кўрсатилган кишилар сонидаги улуши | 100 фоиз кўрсаткич энг юқори 2 балл билан баҳоланади ва қолганлари фоиз кўрсаткичи бўйича энг юқори баллга нисбатан мос равишда баҳоланади | Соглиқни сақлаш вазирлиги |
| 1.6. | Умумтаълим мактабларининг педагог кадрлар билан таъминланганлиги | % | Умумтаълим мактабларида фаолият юритаётган педагог кадрлар сонини мавжуд штат бирликлари умумий сонидаги улуши | 100 фоиз кўрсаткич энг юқори 2 балл билан баҳоланади ва қолганлари фоиз кўрсаткичи бўйича энг юқори баллга нисбатан мос равишда баҳоланади | Халқ таълими вазирлиги |
| 1.7. | Тиббиёт муассасаларининг мутахассис кадрлар билан таъминланганлик даражаси | % | Тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган тиббиёт ходимлари сонининг мавжуд штат бирликлари умумий сонидаги улуши | 100 фоиз кўрсаткич энг юқори 2 балл билан баҳоланади ва қолганлари фоиз кўрсаткичи бўйича энг юқори баллга нисбатан мос равишда баҳоланади | Соглиқни сақлаш вазирлиги |
| 1.8. | Дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминланганлик даражаси | % | Дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминотнинг умумий эҳтиёждаги улуши | 100 фоиз кўрсаткич энг юқори 2 балл билан баҳоланади ва қолганлари фоиз кўрсаткичи бўйича энг юқори баллга нисбатан мос равишда баҳоланади | Соглиқни сақлаш вазирлиги |
| 1.9. | Чин етимларнинг уй-жой билан таъминланганлик даражаси | % | Уй-жой билан таъминланган чин етимларнинг жами чин етимлар сонидаги улуши | 100 фоиз кўрсаткич энг юқори 2 балл билан баҳоланади ва қолганлари фоиз кўрсаткичи бўйича энг юқори баллга нисбатан мос равишда баҳоланади | Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари |

| Т.р. | Индикатор (кўрсаткич)нинг номи | Ўлчов бирлиги | Индикатор (кўрсаткич)ни хисоблаш методикаси | Индикаторни баҳолаш методикаси | Масъул вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар |
|------|---|---------------|---|--|---|
| 1.10 | Оилаларнинг бутунлик кўрсаткичи | % | Бутун оилалар (ажрашмаган) сонининг жами оилалар сонидаги улуши | 100 фоиз кўрсаткич энг юқори 2 балл билан баҳоланади ва қолганлари фоиз кўрсаткичи бўйича энг юқори баллга нисбатан мос равишда баҳоланади | Адлия вазирлиги |
| 1.11 | Жиноий жазони ўтаб келганларнинг иш билан таъминланиши | % | Жиноий жазони ўтаб келиб иш билан таъминланганларнинг жами жиноий жазони ўтаб келган меҳнатга лаёқатли ва ишга жойлаштиришга муҳтоҷлар сонидаги улуши | 100 фоиз кўрсаткич энг юқори 2 балл билан баҳоланади ва қолганлари фоиз кўрсаткичи бўйича энг юқори баллга нисбатан мос равишда баҳоланади | Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги |
| 1.12 | Маҳаллаларда профилактика нозирларининг уй-жой билан таъминланганлик даражаси | % | Уй билан таъминланган профилактика нозирларининг жами профилактика нозирлари сонидаги улуши | 100 фоиз кўрсаткич энг юқори 2 балл билан баҳоланади ва қолганлари фоиз кўрсаткичи бўйича энг юқори баллга нисбатан мос равишда баҳоланади | Ички ишлар вазирлиги |
| 1.13 | Кам таъминланган оилалар кўрсаткичи | % | Кам таъминланган оилаларнинг умумий оилалар сонидаги улуши | 0-5 фоизгача 2 балл билан баҳоланади, 5 фоиз дан юқорилари мос равишда фоизига қараб 2 баллга нисбатан баҳоланади | Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари |
| 1.14 | 18-60 ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан таъминланганлик даражаси | % | Иш билан таъминланган аҳоли сонини 18-65 ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли умумий сонига нисбати | 100 фоиз кўрсаткич энг юқори 2 балл билан баҳоланади ва қолганлари фоиз кўрсаткичи бўйича энг юқори баллга нисбатан мос равишда баҳоланади | Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси |

| Т.р. | Индикатор (кўрсаткич)нинг номи | Ўлчов бирлиги | Индикатор (кўрсаткич)ни хисоблаш методикаси | Индикаторни баҳолаш методикаси | Масъул вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар |
|--|---|---------------|--|---|--|
| 1.15 | 1-гурух ногиронларига тўланган нафака кўрсаткичи | % | Худудда ҳисобот чорагидаги ҳар бир ойнинг 27-санасига нафака тўловлари тўланганлигининг ўртача кўрсаткичи билан аниқланади | 100 фоиз кўрсаткич энг юқори 2 балл билан баҳоланади ва қолганлари фоиз кўрсаткичи бўйича энг юқори баллга нисбатан мос равишда баҳоланади | Молия вазирлиги хузуридаги Пенсия жамгармаси |
| 2. Иқтисодиётни ривожлантириш индикаторлари | | | | | |
| 2.1 | Худуд иқтисодиётига инвестициялар киритилиши даражаси | % | Худудий дастурларда муайян давр учун инвестиция киритиш ҳажмлари бўйича белгиланган кўрсаткичларнинг ҳақиқатда бажарилиши | 100 фоиз ва ундан ортиқ кўрсаткич энг юқори 2 балл билан баҳоланади ва қолганлари фоиз кўрсаткичи бўйича энг юқори баллга нисбатан мос равишда баҳоланади | Иқтисодиёт вазирлиги |
| 2.2 | Ташкил этилган янги доимий иш ўринлари кўрсаткичи | % | Ҳисобот даври учун белгиланган прогноз кўрсаткичларининг амалда бажарилиши | 100 фоиз ва ундан ортиқ кўрсаткич энг юқори 2 балл билан баҳоланади ва қолганлари фоиз кўрсаткичи бўйича энг юқори баллга нисбатан мос равишда баҳоланади | Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги |
| 2.3 | Меҳнат бозоридаги танглик даражаси | киши | 1 та бўш жой ҳисобига тўғри келадиган ишсизлар (ишга жойлашишга мухтож шахслар) нисбати | 2 кишигacha 2 балл, 2 дан 4 кишигacha 1,5 балл, 4 дан 6 кишигacha 1 балл, 6 кишидан юқори 0,5 балл билан баҳоланади | Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги |
| 2.4. | Илгари хусусийлаштирилган, курилиши тугалланмаган обьектларни ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларини хўжалик фаолиятига жалб этиш кўрсаткичи | % | Хўжалик фаолиятига жалб этилган илгари хусусийлаштирилган обьектлар сонининг жами хатловда аниқланган илгари хусусийлаштирилган обьектлар сонидаги улуши | 100 фоиз ва ундан ортиқ кўрсаткич энг юқори 2 балл билан баҳоланади ва қолганлари фоиз кўрсаткичи бўйича энг юқори баллга нисбатан мос равишда баҳоланади | Хусусийлашган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси |

| Т.р. | Индикатор (кўрсаткич)нинг номи | Ўлчов бирлиги | Индикатор (кўрсаткич)ни хисоблаш методикаси | Индикаторни баҳолаш методикаси | Масъул вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар |
|------|---|---------------|---|--|---|
| 2.5 | Тадбиркорликнинг янги субъектларини (фермер хўжаликларисиз) ташкил этиш | % | Янгидан ташкил этилган тадбиркорлик субъектларининг хисобот даврида фаолият кўрсатган субъектлар умумий ҳажмидаги улуши | 15 фоиздан юқорибўлса 2 балл, 10-15 фоизгача 1,5 балл, 5-10 фоизгача 1 балл, 5 фоиздан кам бўлса 0,5 балл билан баҳоланади. | Давлат статистика қўмитаси |
| 2.6 | Тадбиркорлик субъектларининг (фермер хўжаликларисиз) фаоллиги | % | Фаолият кўрсатмаётган тадбиркорлик субъектлари сонининг рўйхатдан ўтказилган тадбиркорлик субъектларининг умумий сонига нисбати | 0-3 фоизгача 2 балл, 3-5 фоизгача 1,5 балл, 5-10 фоизгача 1 балл, 10 фоиздан юқори бўлса 0,5 балл билан баҳоланади. | Давлат статистика қўмитаси |
| 2.7 | Худудий экспорт прогноз кўрсаткичларининг бажарилиши | % | Хисобот даври учун белгиланган прогноз кўрсаткичларининг амалда бажарилиши | 100 фоиз ва ундан ортиқ кўрсаткич энг юқори 2 балл билан баҳоланади ва қолганлари фоиз кўрсаткичи бўйича энг юқори баллга нисбатан мос равишда баҳоланади | Ташки савдо вазирлиги |
| 2.8 | Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш кўрсаткичи | % | Хисобот даври учун белгиланган прогноз кўрсаткичларининг амалда бажарилиши | 100 фоиз ва ундан ортиқ кўрсаткич энг юқори 2 балл билан баҳоланади ва қолганлари фоиз кўрсаткичи бўйича энг юқори баллга нисбатан мос равишда баҳоланади. Хисобот даври учун прогноз белгиланмаган бўлса балл қўйилмайди. | Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси |
| 2.9 | Солик тушумларининг режага нисбатан тўланиш даражаси | % | Чорак давомида келиб тушган солик тушумларининг режа кўрсаткичидаги улуши | 100 фоиз ва ундан ортиқ бўлса энг юқори 2 балл билан баҳоланади ва тушум режаси бажарилмаган бўлса балл қўйилмайди. | Давлат солик қўмитаси |

| Т.р. | Индикатор (кўрсаткич)нинг номи | Ўлчов бирлиги | Индикатор (кўрсаткич)ни хисоблаш методикаси | Индикаторни баҳолаш методикаси | Масъул вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар |
|------|--------------------------------|---------------|---|--|---|
| 2.10 | Кичик тадбиркорликни кредитлаш | % | Кичик тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитларнинг олдинги йилдаги шу даврга нисбатан ўсиш суръати | 15 фоиздан юқори бўлса 2 балл, 10-15 фоизгача 1,5 балл, 5-10 фоизгача 1 балл, 0-5 фоизгача 0,5 балл, камайган бўлса балл қўйилмайди. | Марказий банк |

3. Қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш индикаторлари

| | | | | | |
|-----|---|---|---|--|---|
| 3.1 | Шахсий томорқаларда чорва молларини етиштириш даражаси* | % | Чорва моллари мавжуд шахсий томорқалар сонини жами шахсий томорқалар сонидаги улуши | 100 фоиз кўрсаткич энг юқори 2 балл билан баҳоланади ва қолганлари фоиз кўрсаткичи бўйича энг юқори баллга нисбатан мос равишда баҳоланади | Ўзбекистон Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши |
| 3.2 | Шахсий томорқа ва дехқон хўжаликларида экин экиш ва ободонлаштириш даражаси | % | Экин экилган ва ободонлаштирилган шахсий томорқа ва дехқон хўжаликлари майдонларини жами шахсий томорқа ва дехқон хўжаликлари экин майдонларидаги улуши | 100 фоиз кўрсаткич энг юқори 2 балл билан баҳоланади ва қолганлари фоиз кўрсаткичи бўйича энг юқори баллга нисбатан мос равишда баҳоланади | Ўзбекистон Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши |
| 3.3 | Тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатувчи корхоналар билан қишлоқ хўжалиги корхоналари ўртасидаги дебитор-кредитор қарздорликларни қискартирилиши даражаси* | % | Етказиб берилган моддий техника ресурсларига тўловларни тўланишининг фоиздаги кўрсаткичи | 100 фоиз кўрсаткич энг юқори 2 балл билан баҳоланади ва қолганлари фоиз кўрсаткичи бўйича энг юқори баллга нисбатан мос равишда баҳоланади | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, “Ўзқимёсаноат” АЖ, “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ, “Ўзбекэнерго” АЖ |

| Т.р. | Индикатор (кўрсаткич)нинг номи | Ўлчов бирлиги | Индикатор (кўрсаткич)ни хисоблаш методикаси | Индикаторни баҳолаш методикаси | Масъул вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар |
|------|--|---------------|--|--|---|
| 3.4 | Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт режасини бажарилиши даражаси* | % | Амалга оширилган мева-сабзавот экспорти ҳажмининг белгиланган топширикка нисбатан бажарилиши | 100 фоиз ва ундан юқори кўрсаткич энг юқори 2 балл билан баҳоланади ва қолганлари фоиз кўрсаткичи бўйича энг юқори баллга нисбатан мос равища баҳоланади | Ташки савдо вазирлиги |

4. Коммунал хўжалигини ташкил қилиш ва уй-жой масалалари

| | | | | | |
|-----|---|---|---|---|---|
| 4.1 | Кўп квартирали уйларнинг қиши мавсумга тайёр кўп квартирали уйлар сонининг жами кўп қаватли уйлар сонидаги улуши | % | Киши мавсумга тайёр кўп квартирали уйлар сонининг жами кўп қаватли уйлар сонидаги улуши | 100 фоиз кўрсаткич энг юқори 2 балл билан баҳоланади ва қолганлари фоиз кўрсаткичи бўйича энг юқори баллга нисбатан мос равища баҳоланади | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги |
| 4.2 | Аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланганлик кўрсаткичи | % | Тоза ичимлик суви билан таъминланган аҳоли сонининг жами аҳоли сонидаги улуши | 100 фоиз кўрсаткич энг юқори 2 балл билан баҳоланади ва қолганлари фоиз кўрсаткичи бўйича энг юқори баллга нисбатан мос равища баҳоланади | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги |
| 4.3 | Уй хўжаликларини канализация тизими билан камраб олиш кўрсаткичи** | % | Канализация тизими билан қамраб олинган хонадонлар сонининг жами хонадонлар сонидаги улуши | 100 фоиз кўрсаткич энг юқори 2 балл билан баҳоланади ва қолганлари фоиз кўрсаткичи бўйича энг юқори баллга нисбатан мос равища баҳоланади | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги |
| 4.4 | Хисобот даврида етказиб берилган электр энергияси учун йигилган тўловлар миқдорини шу даврда етказиб берилган электр энергиясининг умумий миқдоридаги улуши | % | Хисобот даврида етказиб берилган электр энергияси учун йигилган тўловлар миқдорини шу даврда етказиб берилган электр энергиясининг умумий миқдоридаги улуши | 100 фоиз кўрсаткич энг юқори 2 балл билан баҳоланади ва қолганлари фоиз кўрсаткичи бўйича энг юқори баллга нисбатан мос равища баҳоланади | “Ўзбекэнерго” АЖ, Бош прокуратура хузуридаги Мажбурий ижро бюроси |

| Т.р. | Индикатор (кўрсаткич)нинг номи | Ўлчов бирлиги | Индикатор (кўрсаткич)ни хисоблаш методикаси | Индикаторни баҳолаш методикаси | Масъул вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар |
|------|---|---------------|---|--|---|
| 4.5 | Ҳисобот даврида ХУМШлар томонидан кўрсатилган хизматлар тўловларини йигиб олиш кўрсаткичи | % | Ҳисобот даврида давомида ХУМШлар кўрсатган хизматлар учун йигиб олинган тўловлар миқдорининг ХУМШлар томонидан кўрсатилган хизматлар умумий миқдоридаги улуси | 100 фоиз кўрсаткич энг юқори 2 балл билан баҳоланади ва қолганлари фоиз кўрсаткичи бўйича энг юқори баллга нисбатан мос равищда баҳоланади | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги |
| 4.6 | Ҳисобот даврида иссиқлик энергияси тўловларини йигиб олиш кўрсаткичи** | % | Ҳисобот даврида давомида иссиқлик энергияси учун йигиб олинган тўловлар миқдорини шу даврда сарфланган иссиқлик энергиясининг умумий миқдоридаги улуси | 100 фоиз кўрсаткич энг юқори 2 балл билан баҳоланади ва қолганлари фоиз кўрсаткичи бўйича энг юқори баллга нисбатан мос равищда баҳоланади | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги |
| 4.7 | Мавжуд оиласарнинг уй-жой билан таъминланганлиги | % | Уй-жой билан таъминланган оиласарнинг жами оиласар сонидаги улуси | 100 фоиз кўрсаткич энг юқори 2 балл билан баҳоланади ва қолганлари фоиз кўрсаткичи бўйича энг юқори баллга нисбатан мос равищда баҳоланади | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари |
| 4.8 | Ички йўлларнинг таъмирланганлик даражаси | % | Таъмирланган ички йўллар миқдорини худуддаги ички йўлларнинг умумий узунлигидаги улуси | 100 фоиз кўрсаткич энг юқори 2 балл билан баҳоланади ва қолганлари фоиз кўрсаткичи бўйича энг юқори баллга нисбатан мос равищда баҳоланади | Автомобиль йўллари давлат қўмитаси |
| 4.9 | Курилиш режалаштирилган қишлоқ жойларидағи намунавий уй-жойлар ҳамда шаҳарларда курилаётган кўп қаватли арzon уй-жойларнинг режага асосан ҳолати*** | % | Намунавий уй-жойларда олиб борилаётган ишларнинг белгиланган режага нисбатан бажарилиши | 100 фоиз кўрсаткич энг юқори 2 балл билан баҳоланади ва қолганлари фоиз кўрсаткичи бўйича энг юқори баллга нисбатан мос равищда баҳоланади | “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ |

| T.р. | Индикатор (кўрсаткич)нинг номи | Ўлчов бирлиги | Индикатор (кўрсаткич)ни хисоблаш методикаси | Индикаторни баҳолаш методикаси | Масъул вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар |
|---|---|------------------|---|---|--|
| 5. Хуқук-тартибот соҳасидаги кўрсаткичлар | | | | | |
| 5.1 | Жиноятларнинг очилиши даражаси | % | Очилган жиноятларнинг хисобот даврида содир этилган жиноятларнинг умумий сонидаги улуши | 100 фоиз кўрсаткич энг юқори 2 балл билан баҳоланади ва қолганлари фоиз кўрсаткичи бўйича энг юқори баллга нисбатан мос равишда баҳоланади | Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура |
| 5.2 | Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси бўйича ижро ҳужжатларини бажарилиши даражаси | % | Мажбурий ижрога қаратилган хужжатлар бўйича бажарилган ишлиларнинг жами ижрога қаратилган хужжатлар сонидаги улуши | 100 фоиз кўрсаткич энг юқори 2 балл билан баҳоланади ва қолганлари фоиз кўрсаткичи бўйича энг юқори баллга нисбатан мос равишда баҳоланади | Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси |
| 5.3 | Алиментларнинг ундириш даражаси | % | Хисобот даврида ундирилагн алимент тўловларининг жами ундирилиши лозим бўлган алимент тўловларидаги улуши | 100 фоиз кўрсаткич энг юқори 2 балл билан баҳоланади ва қолганлари фоиз кўрсаткичи бўйича энг юқори баллга нисбатан мос равишда баҳоланади | Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси |
| 6. Уйма-уй юриш, ҳалқ билан мулоқот, аҳоли томонидан кўтарилиган муаммоларни ечиш бўйича кўрилаётган чораларнинг самарадорлиги кўрсаткичлари | | | | | |
| 6.1 | Уйма-уй юриш ва ҳалқ билан мулоқот қилиш жараёнида аниқланган муаммоларни бевосита шаҳар ва туман раҳбарияти томонидан ҳал этилганлик даражаси | % | Уйма-уй юриш ва ҳалқ билан мулоқот қилиш жараёнида аниқланган, бевосита шаҳар, туман раҳбари томонидан ҳал этилган муаммоларни жами шаҳар, туман бўйича аниқланган муаммолар сонидаги улуши | 100 фоиз кўрсаткич энг юқори 2 балл билан баҳоланади ва қолганлари фоиз кўрсаткичи бўйича энг юқори баллга нисбатан мос равишда баҳоланади | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари |
| 6.2 | Уйма-уй юриш ва ҳалқ билан мулоқот қилиш жараёнида аниқланган муаммолар | % | Тасдиқланган “йўл харитаси” га киритилиб ижроси таъминланган муаммоларнинг жами “йўл | 100 фоиз кўрсаткич энг юқори 2 балл билан баҳоланади ва қолганлари фоиз кўрсаткичи бўйича энг юқори баллга | |

| Т.р. | Индикатор (кўрсаткич)нинг номи | Ўлчов бирлиги | Индикатор (кўрсаткич)ни хисоблаш методикаси | Индикаторни баҳолаш методикаси | Масъул вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар |
|------|---|------------------|---|---------------------------------|--|
| | бўйича бўйича тасдиқланган “йўл хариталари” ижросини таъминлаш кўрсаткичи | | харитаси” га киритилган муаммолар сонидаги улуши | нисбатан мос равишда баҳоланади | |

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонасига келиб тушаётган мурожаатлар

| | | | | | |
|----|---|----------------|---|--|--|
| 1. | Келиб тушган мурожаатлар кўрсаткичи | 0 – 10 балл | Ҳисобот даврида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонаси келиб тушган мурожаатлар сонининг ҳудуддаги ҳар 10 000 минг нафар вояга етган ахоли сонига нисбати | Республика бўйича энг паст кўрсаткич энг юқори 10 балл билан баҳоланади ва колган туман (шаҳар)лар шунга нисбатан мутаносиб равишда баҳоланади | Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Фуқаролар хукуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлишни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати (келишув асосида) |
| 2. | Келиб тушган мурожаатларнинг ижобий ҳал қилиниши кўрсаткичи | 0 – 10 балл | Ҳисобот даврида ижобий ҳал қилинган мурожаатларнинг шу даврда келиб тушган мурожаатларнинг умумий сонидаги улуси | 100 фоиз кўрсаткич 10 балл билан баҳоланади ва колганлари фоиз кўрсаткичи бўйича энг юқори баллга нисбатан мос равишда баҳоланади | |

* Фақат қишлоқ туманлари бўйича баҳоланади.

** Фақат шаҳарлар бўйича баҳоланади.

*** Қишлоқ туманларида намунавий уй-жойлар бўйича, шаҳарларда кўп қаватли арzon уй-жойлар бўйича баҳоланади. Бунда шаҳар ва туманлар ҳудудида ҳисобот йилида уй-жойлар қурилиши назарда тутилмаган бўлса, 1 балл билан баҳоланади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрининг туманлар ва шаҳарларини комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича худуд раҳбарлари фаолиятини баҳолаш тизими тўғрисидаги Низомга 2-илова

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрининг туманлар ва шаҳарларини комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича худуд раҳбарлари фаолиятини баҳолаш тизимини амалга ошириш СХЕМАСИ

Босқичлар

Амалга ошириладиган тадбирлар

Масъуллар

Бажариш муддатлари

| | | | |
|----------|---|---|---|
| 1-боскич | <p>1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, тегишли вазирлик, идора ва бошқа ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига ҳар бир шаҳар ва туманлар кесимида ижтимоий-иктисодий ривожлантириш индикатор кўрсаткичлари бўйича маълумотларни тақдим этиш.</p> <p>2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг Фуқаролар хукуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати томонидан Вазирлар Маҳкамасининг Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти, Иқтисодиёт вазирлиги</p> | <p>Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари</p> <p>Вазирлар Маҳкамасининг Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти, Иқтисодиёт вазирлиги</p> | <p>Ҳар чорак якуннада ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-санасигача</p> <p>Ҳар чорак якуннада ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-санасигача</p> |
| | | | |

Босқичлар

Амалга ошириладиган тадбирлар

2-босқич

1. Шаҳарлар ва туманлар раҳбарларининг фаолиятига баҳо бериш натижаларини умумлаштириш ва мониторингини таъминлаш.
2. Умумлаштирилган маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлани назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизматига ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш.

Масъуллар

Иқтисодиёт вазирлиги

Иқтисодиёт вазирлиги

**Бажариш
муддатлари**

Ҳар чоракда
хисобот чорагидан
кейинги ойнинг
15-санасигача

Ҳар чоракда
хисобот чорагидан
кейинги ойнинг
15-санасигача

3-босқич

Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрининг туманлар ва шаҳарларини комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича ҳудуд раҳбарлари фаолиятини баҳолаш тизимидағи ҳар бир мезон-индикатор, тегишли кўрсаткичларнинг миқдорига мувофиқ ҳолда ягона кўрсаткичнинг ўзгариш динамикаси орқали тегишли ҳудуддаги раҳбарнинг фаолиятига асосланган баҳо бериш.

Вазирлар Маҳкамаси

Хисобот даври
чораги якуни
бўйича

Босқичлар

Амалга ошириладиган тадбирлар

4-босқич

1. Қарақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрининг туманлар ва шаҳарларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ивожлантириш бўйича худуд раҳбарлари фаолиятини баҳолаш тизими мезонлари асосида тегишли худуддаги муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этиш юзасидан худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ташкил этилган 4 та сектор раҳбарлари томонидан “йўл хариталари” асосида чора-тадбирлар амалга ошириб борилишини таъминлаш.

2. Баҳолаш натижалари асосида муайян туман (шаҳар)да қайси соҳага эътибор қаратилиши лозимлиги белгилаб олиниб, тегишли чора-тадбирлар кўриш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан вазирлик, идора ва хўжалик бошқаруви органларига тақдим этиш.

Масъуллар

**Бажариш
муддатлари**

Қарақалпоғистон Республикаси, вилоятлар,
Тошкент шаҳри ҳокимликлари

Вазирлар Маҳкамаси

Вазирлар Маҳкамаси

Ҳар чоракда
ҳисобот чорагидан
кейинги ойнинг
20-санасигача

Ҳар чоракда

